

«Art soft Bunyodkor»
корхонаси иш бошлади

The image shows a woman in a white uniform and cap, likely a quality control worker, inspecting a white garment. She is standing next to a man in a grey polo shirt. In the background, other workers are visible, some operating sewing machines. The text at the top reads «Art soft Bunyodkor» and below it, корхонаси иш бошлади.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

Муҳиддин МАҒЗУМОВ.

Шоҳида **ДАМИНОВА**.

Тумандаги 23-сонли мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари ижросидаги куй-қўшиқлар тadbирга янада қувноқлик бағишлади.

Киши ўзгаларнинг бахтидан бахт топса, у ҳақиқий яшаган ҳисобланади.

Олимларга қўш қанот бўлиб

Рустамжон МУРОДОВ, вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази директори, техника фанлари доктори, профессор.

Ҳар қандай кашфиёт, илмий тадқиқот – ҳаётга, амалиётга тадбиқ этилиб, инсонга ва жамиятга моддий ёки маънавий фойда келтирса, тараққиётга ҳисса қўшсагина қадри баланд, қиммати бебаҳо бўлади. Президентимизнинг ана шу мазмун-моҳиятга хизмат қиладиган 2020 йил 29 октябрдаги фармони юзасидан «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилган. Биламизки, илмий ташкилотлар асосан пойтахт атрофида марказлашган ва ҳудудларда замонавий илмий лабораториялар йўқ. Деярли тўқсон фоиз илмий-тадқиқот лабораториялари Тошкент шаҳрида шакллانганлиги сабаб ҳудудларда илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш чегаралаб қўйилган эди.

Шундан сўнг бу соҳага жиддий эътибор қаратилди. Инновацион фаолият субъектлари (саноат ишлаб чиқариш ташкилотлари) сонини 613 тадан 2250 гагача етказиш; инновацион инфратузилма субъектлари (технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур ташкилотлар, инновация марказлари, бизнес-инкубаторлар ва акселераторлар) сонини уч бараварга ошириш мақсад қилинди. Вилоятлардаги инновацион марказларни 494 тагача етказиш белгиланди.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида бизнинг вилоятимизда ҳам ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази ходимлари наманганлик олимлар ва тадқиқотчиларнинг ғояларини ҳимоялашда, янги ишланмаларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳамда тижоратлаштиришда ижрочи ташкилот сифатида иш юритиб келимokban. Кейинги уч йил мобайнида бу борада Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига ихтиро ва фойдала модел учун патент гувоҳномаларини олиш мақсадида ўттиздан ортиқ талабнома топширилиб, йилпирма яқин патент гувоҳномаси олинди. Бинобарин, 26 апрель — Халқаро интеллектуал мулк кун муносабати билан ўтказилган ағъанавий «Best IP – 2022» энг яхши интеллектуал мулк объектлари учун танловда тадқиқотчиларимиз

Ҳусанбой Қосимов билан Файзулло Раҳимов биргаликда «Пахта хом-ашёси учун тоштуттич» мавзусидаги илмий ишлари билан иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди. Бундан ташқари, Мухаммадзиё Исмановнинг «Бунтда сақланаётган пахта хом-ашёси зичлиги, босим кучи ва массасини ўлчаш» мавзусидаги ЭҲМ учун дастури республикада 1300 дан зиёд талабгорлар ичида «Энг яхши ЭҲМ дастури» номинацияси бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди. Бу ютуқларни марказ ходимларининг самарали меҳнати натижаси, десак муболаға бўлмайди.

Тошрилан лойиҳаларимиз вазирлик томонидан ижобий баҳоланиб, молиялаштиришга тавсия этиб келинмокда. Амалга оширилаётган лойиҳаларнинг якуний натижаси жойларда аҳоли эҳтиёжини қондиришга ва ишлаб чиқариш технологик жараёндарига жорий қилинмокда. «Қишлоқ ҳўжалиги махсўлотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси» кафедраси профессори А. Мерганов раҳбарлигида бажарилган «Кавар доривор ўсимлигини етиштириш, махсўлотларини қайта ишлаш технологиясини яратиш» мавзусидаги лойиҳа ҳисобидан қишлоқ ҳўжалиги махсўлотларини қайта ишлашга ихтисослашган лаборатория учун жиҳозлар сотиб олинди. Бу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлари муҳофаза қилиш ҳамда мамлакатимизда ҳалқ табиотатини ривожлантириш борасидаги қарорларида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Саноатда кавар меваси ва гўнчасидан маринадланган консерва махсўлотлари тайёрлаш учун ишлаб чиқилган технология схема ва рецептлар асосида намуналар тайёрланди. Бунинг учун ТУ, ТИ ва Гост стандартлари ишлаб чиқилиб, давлат стандартларига киритиш учун рўйхатдан ўтказилди (ЎЗДСТ 18419308-2021).

Кавар ўсимлиги кимёвий хўсўсиятига кўра, ҳалқ табиотатида астма, меъда-ичак, гепатит, сил, вабосил, тижжа, бўқоқ, захм касалликларини ва танадаги оқ доғларни даволашда фойдаланиб келинганлиги фанда ўз иботини топган. Лойиҳа доирасида «Чортоқ — Биллур

Арқон» саноат корхонасида 500 дона икки турдаги консерва махсўлотлар намунаси тайёрланиб, истеъмолга лойиқлиги бўйича сертификатлар олинди. Лаборатория шароитида 100 килограмм органик кукун намуналари тайёрланди. Махсўлот ишлаб чиқарилгандан сўнг ички бозорларимиз сифатли ва доривор махсўлот билан таъминланди. Олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижаларига асосан иккита монография, олтига мақола халқаро ва маҳаллий журналларда, халқаро конференция тўпламларида чоп этилди. Битта ихтиро патенти (IAR 05618) олинди. Иккита фойдала модел учун ижобий натижаларга эришилди.

Шунингдек, тадқиқотчи З. Абдуллаев томонидан кавар ўсимлигининг самараси тўғрисида қишлоқ ҳўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси муаффақиятли ҳимоя қилинди.

Марказ томонидан бажарилган яна бир илмий-амалий лойиҳа Наманган муҳандислик-қурилиш институти профессори А.Умурзаков раҳбарлигидаги «Гидропапорсит ишлайдиган микроЭСларнинг илмий асосланган ишчи органлар ва юритмаларини ишлаб чиқиш» мавзусидир. Унда ўзи тикланувчи энергия манбаларида фойдаланиш усуллари ривожлантириш, пировард натижада республикамизнинг табиий сув оқимларида ишлатишга мўлжалланган, таннархи нисбатан арзон, содда конструкцияга эга, фойдала иш қўэффиенти юқори бўлган, самарадор, экологич яна зарар келтирмайдиган микроЭС конструкцияси ҳақида гап боради. Шу асосда лойиҳалаш, ишчи органлар, механизмлар ва корпус деталлар мустаҳкамлигини ҳисоблаш, синов ишларини бажариш, саноат намунасини тайёрлаш, сув объектига ўрнатиш ва ишга тушириш бўйича ҳаракатлар амалга оширилган. Шу билан бирга микроЭС ўрнатилган зонани маънавий-маърифий ва истироҳат ҳудудига айлантириш режалаштирилди.

Мазкур лойиҳа Чуст туманидаги табиий оқувчи сув манбаларида ўрганилди. Бунинг учун Хисорак қишлоғидаги сув объекти танилаб олинди. МикроЭС сув объектига ўрнатилади ва ишга туширилди. МикроЭСнинг таннархи аниқланди, иктисодий ва энергетик жиҳатдан самара-



дорлиги асосланди.

Молиялаштирилган лойиҳалардан яна бири НамМТИ технология машина ва жиҳозлар кафедраси доценти А.Маҳамовнинг ишланмаси 2021 март ойида Т-2021-180 рақамли «Толанинг сифатини яхшилаш мақсадида пахта сепаратори конструкциясини такомиллаштириш» мавзуси бўйича ғойиб деб топилган. Лойиҳанинг мақсади - чиғит шикастланиши ва толанинг физик хўсўсияти бузилишини ҳамда эркин тодаларнинг чанг ҳаво билан чиқиб кетиши олдини олиш.

Шунингдек, НамМТИ профессори, кимё фанлари доктори А. Боймирзаев, профессор К. Жуманиязов, НамМКИ профессори А. Умурзаков раҳбарлигидаги илмий-амалий лойиҳалар ҳам аҳамияти билан диққатга сазовор.

Бундан ташқари, вилоятимиз олимларидан профессор В. Турдалиев ва Ш. Атаҳовлар раҳбарлигида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ҳам марказ орқали молиялаштирилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери марказимиз бугунги кунда вилоятимиздаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва илмий-тадқиқотчи олимлари томонидан амалга оширилаётган кашфиётларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга тарғиб қилиб, улар ўртасидаги алоқани кучайтирувчи ва боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилмокда. Шу йўсинда «Инновацион ишланмалар платформаси» пайдо бўлди. Мазкур платформа бир қанча имкониятларга эга. Масалан, ўзининг инновацион ишланмаси бўлган тадқиқотчи олим ишлаб чиқариш корхоналари ва истеъмолчилар билан истаган вақтида масофадан туриб ўзининг ишланмаси ҳақида тўлиқ маълумот етказиб бериши, фикр алмашиши ва қуриламасини жорий қилиши мумкин.

Платформанинг яна бир афзаллиги шундаки, қайсидир соҳада илмий янгилиги бор, лекин унга муаллифлик ҳуқуқини олишти қийналаётган ихтирочи учун алоҳида бўлим бор. Бунда у Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида ишланмалари учун патент олишдаги талабнома ҳужжатларини расмийлаштириш ва топшириш бўйича ўқув-қўлланма ва видеороликлар орқали танишиб боради.

Қизлар ўқиши, ҳунар эгаллаши керак

Нилуфар МЕЛИБОЕВА, Бухоро Давлат университети журналистика йўналиши талабаси.

Францияда аёллар имкон қадар олий маълумот олишни исташар экан. Мақсад карьера ёки яхши маош олиш эмас, илмини, билимини фарзандлари тарбиясида ишлатиш учун.

Чиндан ҳам шундай, она факат уй ишини қойиллатиши — болаларининг кир-чирини ювиши, шиприн-шакар овқат қилиб бериши билангина чегараланмаслиги керак. Фарзандини китоб ўқишга, бирор касбга қизиқишга йўлланма беришда ҳам роли катта. Тарбияловчи ўзида бўлмаган нарсани болага қандай бериши мумкин.

Ҳаёт факат сеп-сидирга ййигишдан иборат эмас. Бутунги жамиятда дабдабали тўй орзу-хавас эмас, оддий эҳтиёж эканлигини англаб етишимиз керак. Қизлар ўқимишли, ҳунарли бўлса ўзини, ҳақ-ҳуқуқини танийди. Ўқимишли бўлса «от айланми қозинини топади» деган мақоллар билан ўзини алдамайди. Қозиқ эмас, аёл — инсон эканлигини англаб етади. Қишлоқда бўлса шаҳарга интилади. Шаҳарни ишғол қилгач, болаларига дунёга йўл олиш ҳақида орзулар қидирилади.

Ҳеч қузатганимиз? Ўқимишли, ҳунарли аёлларнинг ҳаётида қанчадан-қанча қийинчиликлар бўлишига қарамай, улар ҳаётидан нолишмайди, етишмовчилик, йўқчиликка дуч келишса, муаммага ўзлари ечим қидирилади ва топади.

Мамлакатнинг тараққий этиши хотин-қизларнинг жамиятдаги иштироки, уларнинг илм олиши, ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланиши билан боғлиқ бўлар экан. Айрим қишлоқ аёлини остана ҳаётгамайди, қизларини ўқитмай турмушга узатишга уринадилар. Аёллар ҳақ-

ҳуқуқларини чеклаш жамият учун зарардир.

Оилавий ажримлар кўпайиб бормокда, қўшхотинлик ҳам айб саналмай қолди баъзи оилалар учун. Ота уйига қайтиб келаётган аксарият аёлларнинг ҳунари йўқ, мутаассиб қарашлар қурбони бўлгани учун ўзини ва оиласини боқибга қурби етмайди. Уч боласи билан ўзини қурбон қилган аёлнинг қисмати барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Афсуски, бундай ҳолатлар кўз ўнгимизда содир этиляпти.

Бир аёлни ўн йил бирга яшаган, бирга ҳовли-жой қурган эридан ажратишди, ўқимаган қайнона бунга бош-қош бўлди. Ҳали хотинидан расман ажрашмаган эркакка яна бир ҳунарсиз, ўқимаган аёл шаръий никоҳ билан турмушга чиқди. Ҳозир икки аёл ҳам аросатда. Биринчи аёлга мутлақо ўзига нотаниш бўлган бошқа бир тумандан уй олиб беришди, икки эгиз фарзанди саратонга қалинган экан. Ўқимаган, ҳунари йўқ, иши йўқ аёл бутун қай ерга бошнини уришни билмайди. Агар биринчи аёл ўз ҳақ-ҳуқуқини таниганида, илми, билими бўлганида эридан ажратишларига осонгина таслим бўлармиди, ажралишга оимилар пайдо бўлармиди? Унга иккинчи бўлиб тегиб олган аёлнинг илми бўлганида хали хотинидан расман ажрашмаган эркакка шаръий хотин бўлармиди? Яна бир хотиннинг бахтсизлиги эвазига ўз бахтини қурармиди?

Ҳурматли ота-оналар, қизим ўқиб шаҳар олиб берармиди деманг. Шаҳар олиб бермаслиги мумкин. Аммо ўзининг оила деган мустаҳкам қасрини қура олади. Биламизки, унинг ҳаётида, олдида қандай синовлар бор...

Аҳолини рўйхатга олиш босқичлари

Нуриддин НАҲМИДДИНОВ, вилоят статистика бошқармаси рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи.

Ҳозирги пайтда мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш халқаро меъёрлар асосида ўтказилди. Ҳар 10 йилда ўтказиладиган бу тадбирда аҳоли ағъанавий: ёши, жинси, маълумоти, иш жойи, миллати, шунингдек, турар жойи ва унинг маънавий асбоблари билан жиҳозланиши каби саволларда жавоб бериши керак бўлади.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қуриш ва ўтказиш ишлари кенг қамровли тадбир бўлиб, кетма-кет ҳамда бир вақтнинг ўзида тегишли тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Биринчи босқичда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланади;

аҳолини рўйхатга олиш тадбири дастурини, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилишни ташкил этиш услубияти ишлаб чиқилади;

ҳар бир рўйхатга олувчиларни ўз ҳудуди бўйича хариталар билан таъминланади;

ҳар бир хонадон рақамланиши ва кўчалар номланиши амалга оширилади.

Иккинчи босқичда бевосита аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш ишлари амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар ййилади.

Учинчи босқичда аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижаларини эълон қилиш ва уларни тарқатиш ишлари амалга оширилади.

Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган дубликат олиш тартиби

Илҳомжон ҲОМИДОВ, Чортоқ тумани Давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июлдаги «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида»ги 395-сонли қарори фуқароларимизга яна бир қулай имконият яратиб берди.

Мазкур қарорга асосан эндиликда давлат хизматлари марказлари орқали йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган дипломнинг дубликатини олиш мумкин. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентга мувофиқ, йўқолган ёки фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган, шунингдек, шахснинг исми (фамилияси, отасининг исми) ўзгарганда таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари дубликатини олиш мақсадида давлат хизматлари фойдаланиш тартибига кўра, ариза берувчи томонидан сўровномани электрон равишда тўлдириш ва тасдиқлаш, давлат хизматидан фойдаланиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдориди индим ундириш, давлат хизматлари кўрсатишни рағд этиш асосларини белгилаш, таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари

дубликатини расмийлаштириш тартиби, тегишли ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган таълим тўғрисидаги ҳужжатда нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланганда, ариза берувчи ўн беш иш кунини ичида ййим тўламасдан белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиши тартиби тасдиқланди.

Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжатлар ҳамда унинг дубликати бир хил юридик қучга эгалити, давлат хизматидан ҳудудлардаги давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали фойдаланиш мумкин. ЯИДХП орқали фойдаланилганда электрон рақамли имзо талаб этилмайди. Аризачи томонидан мурожаат амалга оширилгандан сўнг, ваколатли орган ўн иш кунини мобайнида тегишли таълим муассасалари ҳамда касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини ўз имзоси ва муҳри билан расмийлаштирилади.

Ариза берувчи таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини ваколатли органдан олиб кетади ёки ўзининг хоҳишига кўра, почта хизматидан фойдаланиши мумкин.

Чуст туманидаги ДХХ чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида «Китоб ярмаркаси» ташкилланди.

Ярмарка очилиши оддидан сўзга чиққан ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Шарифжон Рафиқов иштирокчиларга китоб ўқилишини аҳамияти, мутлақ инсон дунёқарашини кенгайтириши, онини юксалтириши, ўз фикрларини эркин ифодалай олишга ўргатиши, инсон учун энг яқин дўст, кўмақдош ва маслаҳатчи эканлиги хусусида гапирди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар томонидан турли мавзулардаги асарлар асосида тайёрланаётган сахна кўринишлари намойиши, тадбир ва танловлар, ҳарбий қисмда шoir ва ёзувчилар билан ўтказилаётган учрашувлардан қўзланган мақсад ҳам аввало китобхонани кучайтириш,

Китоб ярмаркаси

Иззатбек ҚўЧҚОРОВ, ҳарбий хизматчи, капитан.



ёшларда китобга бўлган меҳр-мухаббатни янада уйғотиш эканлигини таъкилади.

Шу кунги ярмаркадан жой олган янги бадий адабиётлар, хорижлик ҳамда ўзбек адаблари,

шоирларнинг асарлари ҳарбий қисм хизматчилари, уларнинг оила аъзолари ва фарзандларига ҳам жуда манзур бўлди. Улар томонидан кўплаб китоблар харид қилинди.

ТАДБИРКОР – СОХТАКОР ЭМАС!

ЁКИ ҚИНФИРЛАРГАЯМ ОМАДМИ?!

Муҳиддин МАҒЗУМОВ.

«Худудий электр тармоқлари» АЖ Наманган худудий филиалидан бизга маълум қилишларича, вилоятимизда 2022 йилда 1596 та ҳолатда юридик ва маиший истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилган. Етказилган зарар 14 миллиард 985,3 миллион сўмни ташкил қилган.

2023 йилнинг январь-март ойларида эса бу рақамлар 854 тага етган, зарар эса 2 миллиард 984,3 миллион сўм. Қоидабузарларга нисбатан мажбурий ундириш ва қонуний чора куриш учун далилланган ҳужжатлар ҳуқуқ-тартибот органларига топширилган. Кимдир: «Электрни ҳисоблайдиган «ақли» қурилмалар ўрнатилган-ку, қанақасига ноқонуний фойдалана-ди?» – деб эътироз билдиришшям мумкин. Ҳолбуки, баъзи жойларда ўша «ақли» ҳисоблагичниям «ахмоқ» қилиб, «перемичка» аталамиш мослама жорий қилинган. Ана шунча! Энди яна асосий мавзуга қайтсак.

Наманган шаҳри, Давлатобод туманидаги корхона 4 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги табиий газдан ноқонуний фойдаланган...

Коммунал хизматларга дохил тўловни ота-боболаримиз сағирнинг ҳақиқа менгазашганини нахотки унутворган бўлсак?! Шу ўринда бир таассурот хотирма-да тикланди. Утган йили Намангандаги «саноат корхоналарига пресс-тур уюштирилганди. Журналистлар ва блогерлар жойлардаги ишлаб чиқариш шароит-лари, ҳажми ва имкониятлари ҳамда иш ўринлари, истиқболдаги режалар ҳақида мақола, лавҳалар тайёрлаш режалаштирилганди. Тадбирлар белланган режага биноан давом эттирилди. Бироқ тадбиркорлик объектларидан бирига ОАВ вакиллари киритилмади. Турли баҳоналар рўқач қилинди. Ахир биз берилиши мумкин бўлган ахборотни олиш учунгина ўз ваколатимиз доирасида боргандик шу манзилга. Матбуот учун бу қадар ёпиқ цехлар ҳам бор экан-да, деган ҳаёл оғушида қолгандик ўшанда.

Амалдаги қонунларга биноан белтилган тартибда фаолият юритаётган комиссия аъзоларидан бирининг айтишича, ўзбошимчилик билан эғаллаб олинган майдонга савдо шохобчасини қуриб олин-гани ҳақидаги маълумотни ўрганиш учун ўша жойга боришган. Ва тадбиркордан тегилли ҳужжатларни талаб қилишган. Уддабуро бизнесмен эса ваколат-ли ходимларни қўлида бақлашга тўла бензин билан қарши олган. Яъни агарда кўрсатилиши зарур бўлган метёрий ҳужжатларни талаб қилиш бас қилинмаса – у ўзини ёқиб юбориш билан таҳдид қилган. Бошқача айтганда, майдон ноқонуний ўзлаштириб олингани ҳақидаги хабар асоси ва тўғри экан. Бироқ, «тад-биркор» ҳар қандай тартиб-қоидаларни тан олмоқчи эмас?! Ушбу мазмундаги ҳолатга монанд воқеани эшитиб, янада лол бўдмдик. Гувохнинг айтишича, пар-рандачилик билан шугулланаётган қўланкаси майдон тадбиркор атроф-муҳитни ифлослантираётган, яқин орадаги сув ҳавзасини чиқиндилар билан булғатаётган экан. Одамларнинг эътирозига жавобан тадбиркор-литини пеша қилиб, хоҳлаган жойга бориб, шикоят қилишлари мумкинлигини айтибди.

Шаҳарнинг марказидаги пиёдалар йўлагига ёй-масини ёйиб, йўлакчини деярли тўсиб олган сотув-чи аёлларга ИИБ ходими ва бозор маъмурияти ва-кили йўловчиларга ҳалақит бераётган «ярмарка»ни йиғиштириш ҳақида тушунтириш олиб борди. Хотин-лар эса жўрлашиб: «Тадбиркорга тўқсинлик қилишга нима ҳаққингиз бор. Тиркичилигимиз шундан, иш-сиз қолсак, уйдаги беморимизни ким боқади...», – қабилдаги аруз ҳолларни тўқиб солишди. Ойни этак билан ёйиб бўлмаганидек, бундай «ожизу нота-вон муҳтож»лардан бирини танийдиган киши: «Бу хотинни танийман, линияда «Дамаси» ва гаражида «Ласетти»си бор», – деди бошини сарак-сарак қилиб.

Гап кимнинг нимаси бору ким нимага зорлиги-

Муносиб нишонланди

Бола ҳаёт қувончи, умримиз мазмунидир. Фарзандларимиз табассуми орқали қалбимиз қувончга тўлди. Зеро, кўзлариди эзгулик ва меҳр балқан болажон мусаффо осмонда эркин парвоз этаётган қадирғоч мисолидир.


Ёзнинг биринчи кунни мамлакатимизнинг барча шаҳар-туманларида келажак-тимиз эгаларига атаб тур-ли театрлар ва кўргазмалар ўтказилди. Вилоят теат-рида вилоят ФВБ билан ҳамкорликда «Гаройиб дўстлик» деб номланган ма-даний-маърифий тадбир шулар жумласидан.

Унда болажонлар учун ажойиб театр томошаси ва кўнгилочар ўйинлар на-мойиш қилинди. Томошада иштирок этган ходимла-рининг фарзандлари қувнаб-айрашди.

Вилоят ФВБ матбуот хизмати.

«Наманган ҳақиқати»
эълонлар бўлими –
(69) 227-91-19.

Тафаккур



да эмас, албатта. Тадбиркорлитиними ёки савдоси-ними қилаверсин, марҳамат! Лекин бутун дунёдаги тараққишпарвар жамиятлар тажрибасида бўлганидек, бировнинг тирикчилиги бошқа минглаб, ўн минглаб фуқароларнинг жамоат жойида эркин юришига тўқсинлик қилиб, йўлакчини торайтириш ҳисобига бўлмаслиги керак!

«Шароит қилиб қўйилса, шунча ноқўлайликлар бўлмасли», – деди кимдир «оқилликни» намоён қилиб. Бозорларда алоҳида магазинлар қурилиб, эга-ларига топшириб қўйилган. Ҳўш, дўконлар орасида қолдирилган йўлаклардаги ҳолат манзарани кўринг-чи?! Харидор маҳсулот учун дўконга кириши шарт эмас, аксинча, маҳсулотлар харидорлар пойига пеш-воз чиқариб қўйилган. Озиқ-овқат маҳсулотлариям оёқларингиз остида сизга мунтазир?! Гигиеник та-лабни қўя турайлик, пиёдалар йўлаклари «топган-топалоқ, эғаллаган-эғалоқ» қабилда ўрнатилган «зонтиklar» воситасида ҳар қадам «савдо маркази-га» айлантириб, қўшиб олинган?! «Аввал шароитни тўғрилаб қўйсин» эмиш. Бундай манзарани «бардақ» дейилармиди содда қилиб?!

Ҳа, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бутун тадбир-корларга кенг йўл берилаётган экан, нега уларнинг айримлари бемаъни-ю беамарид рўқачлар билан бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиши керак?!

Уларники жону бу ёқдагиларники па-тинжонми?!



Яна денг миллиардлаб сўмлик табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани-чи?!

Айтмоқчимизки, ишбилармон киши турли рўқачларни

пеша қилавермай иложи борича рисоладагидек фаолиятини олиб борса, барака топиши, акс ҳолда, макр-хўйлаалари ўз эънига бўлиб, даромадям тешиб чиқиси ҳаётий ҳақиқат-ку!!!

Умуман, катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар бизнесини юритаётган юридик ва жисмоний шахс-га етарли сармоя, мукаммал режа ёки лойиҳанинг ўзиниға кифоя қилмаслиги тобора аққолроқ намоён бўлмоқда. Айниқса, ҳалиндай текширу-текширу таф-тишлар мумкин қадар қамайитирилиб, тадбиркорга бошқа жиҳатлардаям берилаётган кенг қўламли имти-ёзлар шароитида ишбилармоннинг виждони – энг зўр назоратчи вазифасини бажармоқда. Аслида ҳар бир катта-ю кичик корхона эгаларига даҳлдор ва шаклла-нтирилиши шарт бўлган ахлоқий кодекс даражасида-ги тадбиркорлик маданияти аталамиш таъминлининг фаолият шиорига айланиши ҳар қачонгидан дол-зарбдир. Айтишлади-ку, маданиятли одам тадбиркор бўлиши шарт эмас, аммо тадбиркор инсон маданият-ли бўлиши керак. Маданиятли тадбиркор – ҳуқуқини англаб, уни ҳимоя қилишга шай бўлгани ҳолда инсон-жамият ва давлат олдидиги бурч ҳамда мажбурият-ларигаам оғишмай риоя қилади. Амалдаги қонунлар талабларига ҳурматда бўлади. Ўзини шахс сифатида ва ҳар қандай шахснинг манфаатларини эса ўзининг манфаатларига монанд қадрлайди. Инсонпарварлик-ни чуқур англайди. Танлаган бизнес йўналиши бўйича билимдон ва юксак маҳорат ҳамда эзгу ниятли ахлоқ соҳиби бўлишга интилади. У маориф, фан ва техни-ка, информатика, экологияга беписанд эмас. Янги-ликларга интилади. Рақобат зарурлигини тушунади, ҳамкорликнинг моҳиятини англаб етади.

БИЛИБ ҚЎЙИШ ЗАРАРМАС

Меҳнат таътиллари ва уларнинг турлари

Бахтинур ҲАСАНОВ,
Давлатобод тумани адлия бўлими юридик хизмат
кўрсатиш маркази бошлиғи.

Ёз келиши билан меҳнат таътиллари чикувчилар кўпаяди. Шундан келиб чиқиб, Янги Меҳнат кодексига таътиллار тушунчаси ва уларнинг турлари ҳақида нима дейилгани ҳақида билиб қўйсак, фойдадан холи бўлмайди. Мазкур кодекснинг 213-моддасида иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар учун таътиллارнинг қуйдаги турлари назарда тутилган: ҳар йилги меҳнат таътили; ижтимоий таътиллари; иш ҳақи қисман сақланидиган ва сақланмайдиган таъти.

Янги Меҳнат кодексига таътил-ларга оид киритилган янгилклар-дан бири - битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажы учун бериладиган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътилдир. Яъни, эндилик-да ходимга у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз кален-дарь кундан кўпи бўлмаган ҳар йилги

қўшимча меҳнат таътили берилади. Ходимларга оналик, болаларни парваришлаш, таълим олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, бошқа иж-тимоий мақсадларда бериладиган таътиллари ижтимоий таътиллари-дир. Ходим қуйдаги ижтимоий таътиллари олиш ҳуқуқидан фой-даланади: ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари; бола парваришлаш таътили; ўқув таътили; ижодий таъ-тиллари.

Ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш ва унинг давомийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолда меҳнат шарт-номаси тарафларининг келишу-вига қўра ҳал этилади. Ходимнинг ёзма аризасига қўра унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин бўлиб, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга қўра белиланади, лекин у иш ҳақи сақланмайдиган охириги таътил берилган кундан эътиборан календарь йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ош-маслиги керак.

NAMANGAN VILOYATI IIB JAMOAT XAVFSIZLIGI XIZMATINING OFITSERLIK VA SAFDORLIK LAVOZIMLARI UCHUN TANLOV E'OLON QILINADI

Эълон

Tanlov tadbirlari O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-noyabr kunidagi PQ-3413-son «Ichki ishlar organlari kadrlari bilan ishlash va ularning xizmatini tashkil etish tartibini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori hamda Ichki ishlar vazirligining 2022-yil 5-mart kunidagi 52-sonli buyrug'i talablari asosida tashkil etiladi.

Xizmatga tanlov asosida, sog'lig'ining holati va jismoniy tayyorgarligi bo'yicha xodimning xizmat majburiyatlarini bajarishga qodir bo'lgan shaxsiy, ishbilarmonlik va kasbiy fazilatlariga ega nomzodlar qabul qilinadi.

Nomzodlarga qo'yiladigan umumiy talablar:

- O'zbekiston Respublikasi fuqarosi bo'lishi;
- Namangan viloyatida doimiy ro'yxatga olingan bo'lishi;
- yoshi o'n sakkizdan kichik va o'ttizdan katta bo'lmasligi;
- harbiy xizmatni o'tagan va lavozim xususiyatlaridan kelib chiqib, erkak jinsli bo'lishi.

Nomi	Lavozimlar		
	Profilaktika inspektori	Patrul-post xizmati	Yo'l-patruil xizmati
Bo'yi	165 sm va undan yuqori	170 sm va undan yuqori	175 sm va undan yuqori
Harbiy xizmat	- muddatli harbiy xizmatni o'tagan; - safarbarlik chaqiruvi rezervida harbiy xizmatni o'tagan; - oliy o'quv yurtlarida harbiy tayyorgarlikdan o'tgan (harbiy kafedra)	- muddatli harbiy xizmatni o'tagan; - safarbarlik chaqiruvi rezervida harbiy xizmatni o'tagan;	
Ma'lumoti	Oliy ta'lim muassasasini tamomlagan	- oliy ta'lim muassasasini tamomlagan; - "Temurbeklar maktabi" yoki IIV akademik litseyini tamomlagan; Oliy ta'lim muassasasini sirtqi ta'lim shaklida tahsil olayotganlar	- oliy ta'lim muassasasini tegishli mutaxassislik bo'yicha tamomlagan; - oliy ta'lim muassasasini sirtqi ta'lim shaklida tegishli mutaxassislik bo'yicha tahsil olayotganlar

Yo'l-patruil xizmati inspektori lavozimlariga nomzodlar haydovchilik guvohnomasiga hamda quyidagi mutaxassisliklarga ega bo'lishi talab etiladi:

- yerusti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiyasi ta'lim yo'nalishi;
- avtomobillar va avtomobil xo'jaligi mutaxassisligi;
- avtomobil yo'llari va aerodromlar ta'lim yo'nalishi;
- ko'priklar, tonnellar va metropoliten qurilishi mutaxassisligi;
- avtomobil transporti, yo'l qurilish mashinalari va jihozlarining ekspluatatsiyasi ta'lim yo'nalishi;
- transport inshootlarining ekspluatatsiyasi ta'lim yo'nalishi;
- qlymat injiniringi ta'lim yo'nalishi;
- shahar yo'llari va ko'chalari ta'lim yo'nalishi;
- kasbiy ta'lim – avtomobil va aerodromlar;
- kasbiy ta'lim – transport vositalarini ishlatish va ta'mirlash ta'lim yo'nalishi;
- menejment-avtotransport bo'yicha ta'lim yo'nalishi;
- marketing-avtotransport bo'yicha ta'lim yo'nalishi;
- transport vositalarini ishlatish va ta'mirlash ta'lim yo'nalishi;
- tashishlarni tashkil etish va transport logistikasi ta'lim yo'nalishi;
- elektr texnikasi, elektr mexanikasi va elektr texnologiyalari avtomobil transporti) ta'lim yo'nalishi;
- xizmat ko'rsatish texnikasi va texnologiyasi (xizmat ko'rsatish tarmoqlari bo'yicha) ta'lim yo'nalishi;
- xizmatlar sohasi (avtotransport bo'yicha) ta'lim yo'nalishi;
- ekologiya va atrof muhit muhofazasi (avtotransport bo'yicha) ta'lim yo'nalishi;
- bino va inshootlar qurilishi mutaxassisligi ta'lim yo'nalishi;
- harakat xavfsizligini tashkil etish mutaxassisligi;
- ichki yonuv dvigatellarini sinash va ulardan foydalanish mutaxassisligi;
- ko'tarish, tashish va yo'l qurilish mashinalari ta'lim yo'nalishi;
- huquqiy ta'lim sohasi; harbiy ta'lim sohasi.

Tanlov tadbirlari quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi

- dastlabki o'rganish;
- umumijismoniy tayyorgarlik darajasini baholash;
- intellektual rivojlanganlik darajasi va psixoemotsional barqarorlikni baholash;
- yakuniy suhbat.

Sport musobaqalarining (Olimpiya sport turlari bo'yicha Olimpiya va Osiyo o'yinlari, jahon va Osiyo chempionatlarida oxirgi to'rt yilda hamda respublika chempionatlarida oxirgi bir yilda g'olib va sovrindor (1-3 o'rin)) individual turlarida g'olib chiqqan nomzodlarga alohida imtiyozlar belgilangan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги 299-сон қарори билан тасдиқланган озоқликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга моддий ёрдам бериш тартибига қўра, пул маблағлари маҳкумлар озоқликка чиққач уларнинг ижтимоий мослашувига қўмақлашиш мақсадида «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети» доирасида ажратилади.

Шўҳратжон МАДҲОЛИКОВ,
Ички ишлар вазирлиги Академияси магистратураси
тингловчиси, майор.

Ёрдам пуллари ушбу маса-лани кўриб чиқувчи идорала-раро доимий комиссияларнинг қарорлари асосида берилади. Қўмақ олувчилар жазо-ни ўтаб бўлганидан кейин уч ой мuddатда ишчи органга ўз лойиҳасини илова қилган ҳолда ариза тақдим этади.

Лойиҳани молиялашти-риш мақсада мувофиқлиги юзасидан хулосани тайёрлаш қуйидаги мезонларга асосана-ди, яъни, бошламоқчи бўлган тадбиркорлик, меъморчилик ёки хунармандчилик фаолия-тининг натижадорлиги ва да-ромадли эканлиги, маҳалла фуқаролар йиғинининг ижо-бий тавсияси, кам таъминла-ган ёки ёлғизлиги, қарамонида ногиронлиги бўлган ёки вояга етмаган фарзанди борлиги, кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзанди борлиги ва моддий қўмакка муҳтожлиги, нотураб жойла-рда истикомат қилаётганлиги.

Авалроқ норматив-ҳуку-қий ҳужжатлар лойиҳалари порталида муҳокамага қўйил-ган қонун лойиҳасида жазони ижро этиш муассасаларида жазо мuddатини ўтати даври-да бажарилган ҳар қандай иш, агар ушбу иш учун ижтимо-ий солиқ тўланган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланиши тақ-лиф этилганли. Мазкур лойиҳада жазони ўтаб бўлган шахсларга «дастлабки ижи-

мой-моддий ёрдам пакети» бериш так-лиф қилинган. Шунингдек, озоқликка чиққан шахсларни аҳолининг эҳтиёжманд тоифасига кири-тиш режалаштирилган.

Президентимиз таъкидлага-нидек, «Қонун – устувор, жазо – муқаррар»дир. Шўнинг учун жиноятчини жазолагандан, жиноятта йўл қўймаслик ло-зим.

Ҳозирги вақтда тергов ҳибсхоналаридаги шароитлар сақланаётган махсус контин-гепт учун замон талабларига жавоб бера оладиган даража-га етказилгани ҳеч кимга сир эмас. Бизнинг демократик дав-латда барча ҳаракатлар қонун асосида олиб борилиши, халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши тамойили асо-сида ишлар кундан кунга ри-вож топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси-нинг барча фуқаролари давлат-тимиз равнақи йўлида ўзининг ҳиссасини қўишиши, қонун устуворлигини таъминлашда жонкуяр бўлмоғимиз даркор. Гурuch курмаксиз бўлмайди, деганларидек, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва унга қарши курашишда ора-миндаги ушбу тоифадаги шахс-ларни аниқлашда биргаликда давлатимизга ёрдам бериши-миз керак.

Пул эгасига қайтарилиди

М. НОРҚЎЗИЕВ,
Наманган шаҳар
ИХҚҲК матбуот ва ахборот
мутахассиси.

Аппаратимизга фуқаро М.Ю. томонидан мурожаат келиб тушган.

Унда айтилишича, у Тошкент шаҳрида жойлашган «Умидавто» лизинг компаниясининг Наманган шаҳар филиали билан 2023 йил 23 январь кунли лизинг асосида автомаши-на сотиб олиш учун шартнома туза-ди. Шартномага асосан 45.875.000 сўм қисман тўлов амалга оширган. Лекин эртасига ушбу компания шартнома шартларини вақтида бажармаётган-лиги ҳақида ҳар хил манбалар орқали хабар топиб, тўлаган пулларини қайтаришда амалий ёрдам сўраб му-рожаат этган.

Ушбу мурожаат «Умидавто» ли-зинг компанияси Наманган шаҳар масъула ходимлари билан олиб борил-ган қонун доирасидаги тушунтириш ишлари натижасида фуқаронинг ари-заси қаноатлантирилиб, унга тегилли маблағ тўлалигича қайтаришга эри-шилади.

БИЛДИРИШЛАР

Уйчи тумани Олмурад МФЙ, Шод-лик кўчаси, 8-уйда яшовчи Абдухамидов Абдулбосид Абдукарим ўғли номи-га берилган фуқаролик паспорти (шахс гувоҳномаси) йўқолганлиги
БИЛДИРИЛАДИ.

Марҳум Дехканов Катибжон Ёқуб-жанович номида бўлган Норин тумани Тўлқин МФЙ, (Фидокор 11), 11-уйга нис-батан мерос иши очилганиги маълум қилинади. Меросхўрлардан бир (1) ой мuddат ичида тегишли давлат нотариал идорасига мурожаат этишлари сўралади.

Яшамоқ ва бахтиёр бўлмоқ ҳуқуқига қурби етмайдиган одам бор-йўғи бир шарпадир.



Наманган муҳандислик-қурилиш институти меҳнат муҳофазаси ва экология кафедрасининг бир неча йиллардан бери катта ўқитувчиси лавозимида фаолият олиб бораётган Шарифжон Раҳмонов ниҳоят илмнинг ўзи танлаган муҳим бир соҳаси бўйича олимлик рутбасига эришди.

У қурилиш материаллари ва буюмларини янги турларини ишлаб чиқиш мақсадида «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси мустақил изланувчиси сифатида композицион, लोक-бўёқ ва резина материал-

ВИЛОЯТИМИЗ ОЛИМЛАРИ

Илм – мангу изланишдир

Нуриддин БАҲРИДИНОВ,
техника фанлари номзооди.
Шуҳрат МАМАДАЛИЕВ,
НамМҚИ катта ўқитувчиси.

лари кимёси ва технологияси ҳамда қурилиш материаллари ва буюмлари ихтисосликлари бўйича астойдил илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

Дунёда қурилиш материаллари sanoati ривожланишининг ҳозирги босқичида энергия самарадорлиги масалаларига катта эътибор қаратишмоқда. Бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги, биринчи навбатда, ўзгарувчан ҳарорат ва нам ушлаш шароитида иссиқлик ўтказувчанлигига чидамли бўлган иссиқлик изоляция материалларини танлашга боғлиқ.

Шарифжон илмий изланишларини ҳудди шу қирраларга қаратди. Хусусан, сифатли елим композицияларидан мустаҳкам базальт толали композицион иссиқлик изоляция материалларини ишлаб чиқиш технологиясини яратишга алоҳида эътибор берди.

Республикаимиз ҳудудидаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳозирги кунга қадар хоризждан олиб келинаётган қурилиш бинолари учун ишлатиладиган теплоизоляция материаллар ҳамда бунинг асосий хомашёларига нисбатан ишлатишга қўлай ва арзон ҳисобланган чиқиндилардан

фойдаланган ҳолда илмий ишларни тажриба ишлари асосида олиб бориб, 9 та илмий мақола тайёрлади. Икки илмий мақоласини халқор журналларда чоп эттирди.

Ш. Раҳмонов диссертация ишининг аҳамияти чиқиндилардан фойдаланиш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига тежамкорлик асосида ҳисса қўшганини тидир.

Шарифжон Раҳмоновнинг диссертация иши «Фан ва тараққиёт» ДУҚ қошидаги илмий-техник кенгаш йиғилишида тингланлиб, ижобий баҳоланди. Мазкур илмий кенгашнинг шу йил 12 апрелдаги қарори билан Шарифжон Раҳмонов техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлди.

ХУШХАБАР

Тўрт юз ўринли талабалар турар-жойи

Санжарбек ҲАМИДОВ,
НамДУ «Пресс клуб» раҳбари.

Наманган Давлат университетига талабалар учун яқин кунларда тўрт юз ўринли турар-жой бунёд этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Иброҳим Абдурахмонов НамДУга таширф буюриб, университет ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган мазкур объект лойиҳаси билан танишди.

Ушбу бино университетнинг Наманган шаҳридаги Бобур шох кўчасида жойлашган ҳудудида бунёд этилади. Мазкур қурилиш иншооти пудратчи «Файзобод Само Сервис» МЧЖ томонидан қурилади ва унинг лойиҳавий қиймати 25 миллион сўмдан ортиқ.

Қисқа муддатда фойдаланишга топшириладиган талабалар турар-жойи етти қаватдан иборат бўлиб, бино том қисмига қуёш панеллари ўрнатилади. Натижада, узлуксиз ва тежамкор электр энергияси билан таъминланади. Бинонинг биринчи қаватида ўқув хонаси, ошхона, тиббий хизмат хонаси, спорт-соғломлаштириш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш хоналари жойлашади. Тўртта хонанинг жисмоний имконияти чекланган талабалар учун мўлжаллангани ҳамда уларда ювиниш ва ҳоҳатхонанинг мавжудлиги ногиронлиги бўлган шахсларга катта қўлайлик тудиради.

Вазир Иброҳим Абдурахмонов талабалар турар-жойи лойиҳаси билан танишар экан, объектнинг ҳар жиҳатдан қўлай шарт-шароитларга эга бўлиши зарурлиги юзасидан ўз тақлифларини берди. Айниқса, жисмоний носоглом талабаларнинг турар-жойи биносига кириб-чиқишларида қўлайлик бўлиши учун пандуслар ўрнига кичик лифта ўрнатиш қуриломани ўрнатиш гоёсини баён этди. Қурувчи пудратчи билан сўхбатлашиб, қурилиш соҳасида қандай тажрибага эгадиги билан қизиқди. Унда фойдаланиладиган хомашёлар сифати, арзонлигига эътибор қаратиш лозимлиги, бинонинг кўрак, шинам ва замонавий қиёфага эга бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Мехмон таширф давомида университетда қурилиши режалаштирилаётган 2000 ўринли инновацион факультет лойиҳаси билан ҳам танишди ҳамда ушбу ноанъанавий корпуснинг афзаллиқ жиҳатларини янада ошириш юзасидан ўз тавсияларини берди.

«Беш ташаббус олимпиадаси» – ЯНГИ ИМКОН

Ўтқиржон ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Чуст туман ихтисослаштирилган мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида спортнинг стол тенниси тури бўйича мусобақанинг вилоят босқичи қизин рақобат тусида кечди. Унда 16-21, 22-26, 27-30 ёшли эркак ва аёллар тоифасидаги беллашуларда 84 ҳаваскор спортчи қатнашди.

Эпчиллик, қаққонлик ва ақлий ёндошувни тақозо қиладиган ўйинлар натижаларига кўра, 15-21 ёшли хотин-қизлар ўртасида янгиқўрғонлик Рухиона Тўрабоева ғолибликни қўлга киритди. Қувонарлиси, ушбу ёш тоифасида шопирдимиз – Ихти-сослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Чуст туман ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Зебо Юсупова ҳам совриндорлар сафидан жой эгаллади.

22-26 ёшлилар орасида янгиқўрғонлик Паризода Умаралиевага тенг рақиб топилмади. 27-30 ёшлилар иштирокида эса Поп туманидан Элмира Эшонхонаева энг юқори натижани қайд этди.

Усмирлар ва эркаклар ўртасида 15-21 ёш тоифасида учқўрғонлик Ахрор Каримов зафар нашидасини сурган бўлса, 22-26 ёшлилар ўртасида яна бир учқўрғонлик истъёод эгаси Шерзод Ҳабибуллаев ғалаба қозонди. 27-30 ёшлилар баҳсида эса Наманган шаҳридан Қобил Нуриддинов ғолиблик шохсупасининг энг юқори чўққисига кўтарилди.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари вилоят ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан диплом, медаллар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ТАНЛОВ

Грант қўлга киритилди

Дилором ТУРҒУНБОЕВА,
Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Наманган шаҳар бўлими ихроци директори.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан «2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» мавзусида давлат гранти учун танлов эълон қилинган эди. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Наманган шаҳар бўлими унда «Соғлом турмуш тарзи – кучли жисмоний ва руҳий, интеллектуал барқарорлик қафолати» деб номланган лойиҳаси билан иштирок этди.

Лойиҳа доирасида тиббиёт бир-лашмаси билан ҳамкорликда ўн бешта

оилавий поликлиниканинг ўттиз нафар ҳамширасини «Биринчи ёрдамга ўқитиш» кўникмаларини шакллантириш бўйича икки кунлик семинар-тренинг ўтказилди. Шаҳардаги йигирмата маҳалла аҳолиси учун «Соғлом турмуш тарзи», «Репродуктив саломатлик», «Зарарли одатлар олдини олиш», «Соғлом овқатланиш», «ОИВ/ОИТС профилактикаси», «Юқумли касалликлардан сақланиш» мавзуларида сўхбатлар ташкил этилди.

Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар бўлими танловнинг тегинли номна-циясини қўлга киритиб, қирқ миллион сўмлик грант маблағига муносиб топилди.

ОБУНА – 2023

ИНДЕКС: 5000.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Жамиятимиз ҳаётидаги кенг қамровли ислохий жараёнлар ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлмоқчимисиз? Президентимиз фармон ва қарорлари, қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлар, маънавий-маърифий, тахлилий мақоалардан баҳраманд бўлишни истайсизми?

Унда марҳамат, «Наманган ҳақиқати»га обуна бўлинг!

ОБУНА БАҲОСИ: 6 ОЙГА – 240 000 СЎМ

Обуна юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этинг: 160108. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй, 1-қават. Телефон: (69) 227-91-19. Тахририят ҳисоб рақами: 20210000900306871001, ИНН: 201234794, МФО: 00222, ТИФ «ЎзМиллий банк» Наманган бўлими.

ҲАФТАЛИК ОБ-ҲАВО

ЧОРШАНБА, 7	ПАЙШАНБА, 8	ЖУМА, 9	ШАНБА, 10	ЯКШАНБА, 11	ДУШАНБА, 12	СЕШАНБА, 13
+36 +23	+38 +23	+39 +23	+37 +24	+37 +24	+37 +24	+36 +24

Тафаккур

Бахтли бўлиш учун бахтли бўлиш мумкинлигига ишонмоқ керак.

Наманган ҳақиқати Муассис: Наманган вилояти ҳокимлиги Бош муҳаррир: Акрамжон САТТОРОВ	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона: (69) 227-89-43. Котибият: (69) 227-91-25. Маданият бўлими: (69) 227-95-21. Давлат қурилиш ва қонунчилик бўлими: (69) 227-91-50. Ахлок бўлими: (69) 227-91-50. Умумиқтисодиёт бўлими: (69) 227-96-60. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: (69) 227-93-39. Эълонлар бўлими: (69) 227-91-19. Ҳисобхона: (69) 227-98-31.	Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 22 декабрда 08-0001 рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Тахририят манзили: 160108. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй. Индекс: 5000.	Навбатчи муҳаррир: Рислиқхон Мажнунова. Навбатчи: Шохида Даминова. Мусаҳҳих: Насимжон Юнусов. Саҳифаловчи-дизайнер: Абдуқаҳҳор Юлибоев. Тахририятга 14 шрифт, 1,5 интервалда 5 қоздан ортиқ (шунингдек қўлёзмалар ҳам) мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган материаллар эгасига қайтарилимайди.	«Poligraf press» МЧЖда офсет усулида 3 215 нусхада чоп этилди. Қоғоз бичими – А-2. Ҳажми – 2 босма табоқ. Корхона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (б)-уй. Буюртма: 375. Босишга топшириш вақти: 17.00 Топширилди: 20.30	Сотувдаги баҳоси: 3000 сўм www.namhaqiqat.uz @NamanganHaqiqati_Rasmiy nam-haqiqat@uamail.uz ISSN: 2091-5853 ® – белгиси билан тижорий мақолалар берилади.
--	---	--	--	---	---

TRASTBANK

ПУЛИНГИЗНИ САҚЛАНГ ВА ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛИНГ!

«ҚУЛАЙ САРМОЯ» ОМОНАТИ

Йиллик фойз ставкаси:
7.5 % - 18 ой тўлик.
6.5 % - 12 ойдан 18 ойгача.
5.5 % - 6 ойдан 12 ойгача.
4.5 % - 1 ойдан 6 ойгача.

Омонатга қўйиладиган маблағнинг энг кам миқдори: 500\$

Омонат муддати: 18 ой.

Қабул қилиш шакли: нақд ва online.

Омонатга қўшимча қирим қилиш: чекловларсиз 12 ой давомида.

Омонатдан қисман чиқим қилиш: 500 АҚШ доллари сақлаш шарти билан мумкин.

Омонат муддатини узайтириш: йўқ.

Капитализация: йўқ.

Омонат фойзларини тўлаш: ҳар ойда.

Мурожаат учун:
Аҳоли омонатлари бўйича масъул: (69) 210-18-38.
Reception: (69) 210-18-08. Call center: 1287.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси 8-уй.
Мўлжал «Saydana» диагностика маркази.

Хизматлар лицензияланган.

Воқеалар, ҳодисалар, фактлар

● Президентимиз тақлифига биноан Катар давлати Амири шайх Тамим бин Хамад Ол Соний 5-6 июнь кунлари давлат таширфи билан мамлакатимизда бўлди.

● Жорий йилнинг 2 июнь кунли Қирғизистоннинг Чўпонота шаҳрида Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи етакчиларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари муҳим ташаббусларни илгари сурди, Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель билан музокара ўтказди. Европалик экспертлар Ўзбекистонда ўртача 6,5 фойзлик илмий ўсишни прогноз қилмоқда.

● Президент Режеп Таййип Эрдоған шанба кунли Туркия Буюк Миллат Мажлиси (парламент)да қасамёд қабул қилди ва учинчи муддат президентлик лавозимида иш бошлади. Инаутурация маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва дунёдаги етмиш саккиз давлатдан келган юқори мартабали амалдор иштирок этди.

● Бу йилги ҳаж мавсумида Ўзбекистондан 15 минг мусулмон Саудия Арабистонига бориши режалаштирилган.



● АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтган «Cine Gear Expo 2023» технология, кўнгилолар ва медиа sanoati халқаро кўргазмасида Озодбек Назарбековнинг «Мендирман» қўшинига суратта олинган видеоқлип «Энг яхши клип» деб топилди.

● Болгариянинг София шаҳрида ўтган Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Европа комиссиясининг 68-йиғилишида Ўзбекистонга UNWTO Бош Ассамблеясининг 25-йубилей

сессиясида мезбон сифатида президентлик қилиш ваколати берилади. Маълумот ўрнида таъкидлаш лозим, жорий йилнинг 16-20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида UNWTO Бош Ассамблеясининг 25-йубилей сессияси бўлиб ўтади.

● Ўттиз йилдан бери Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келаётган Жаҳон банки томонидан бутунги кунда ҳам умумий қиймати 6 млрд. долларга яқин йипирмадан ортиқ лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда.



● АҚШнинг Чикаго шаҳрида ўтган Халқаро бокс федерацияси (IBF)нинг чемпионлар иштирокидаги тадбирида ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиева ўз камарини уч маротаба муваффақиятли Ҳимоя қилган чарм қўлқоп устаси сифатида чемпионлик узуги совға қилинди.

● Ҳиндистоннинг Одиша штати, Баласор шаҳри яқинида Калькуттадан Ченнаиға қараб кетаётган 10-12 вагондан иборат йўловчи поезд юк поезди билан тўқнашиб, издан чиқиб кетди. Бир оз вақт ўтиб, яна бир йўловчи поезд унга келиб уриди. Уч юзга яқин киши ҳалок бўлгани, тўққиз юз киши жароҳат олгани ҳақида хабар қилинмоқда.

● U-23 Осиё кубоги саралашга қўрва ташланди. Унинг натижасига кўра, «Е» гуруҳидан ўрин олган Темур Қападзе бошчилигидаги Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси юртимиз майдонларида Эрон, Гонконг ва Афғонистон билан беллашади. Саралаш ўйинлари жорий йилнинг 4-12 сентябрь кунлари ўтказилади.

● Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, анжир аллшеймер, паркинсон касалликлари, деменс ва бошқа неврологик ҳасталикларнинг олдини олишда ажойиб хусусиятга эга экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича ҳисоб-китоб, статистика ва бошқа ҳисоботлари, шунингдек босма ва бошқа маълумотларни ҳисоблаб-чиқариш учун қўйиладиган ҳарбий валюта курсларини белгиледи. Нархлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ушбу маълумотларини солиш билан солиш маълумотида белгиланади.